

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 168 (6. 957)

1989 йил 22 июль, шанба

Баҳоси 3 тийин

Ихтисодий шарҳ

● Саноат моллари магазиндан чиқиб кетаётган икки йилгит суҳбат бештир қўлида қалинди.
Пештахтада чет эл кийим-кечаларини топиб бўлмайдми-я. Ўзбекистонда кийим-кеча этибди, Олай Десаит беҳшос. Нима қилиш керак-а?
— Ана, яқна буюртмалар ателесига бор! Энг яқин йўли шу. Қўйиб қўйгандек тикиб беришади.
Бу шу мавзудаги аққо-яқога суҳбат бўлса майли эди. Афсуски, унн ҳар қадамда яшатиш мумкин. Нима бўлди ўзи? Неге бу ҳақда шунча кўп тадбирлар белгиланса ҳам харидорларни қинамаганга қувонтирадиган ўзгариш сезилмапти? Ахир, ҳамма ҳам яқна буюртмалар ателесига ўзига мос кийим тикитириш имкониятига эга эмаску. Кооперативнинг нарх-навоиси қақиб олади, ахир. Агар пештахталарда ярашқили, арзон, амаонавий тикилган кийим-кеча турса, унн харидор жон-жон деб оларди.

Ҳозир шаҳримизда саноатнинг «А» ва «Б» группаларидан ташқари 111 кооператив (уларда 47 мингдан зиёд киши шугулланади) ишлаб турибди. Улар шу йилнинг январь-июнь ойларида 18 миллион 256 минг сўмлик кенг истеъмол моллари тайёрлашди. Аммо агар бу кооперативларнинг бутун Тошкент бўйича ишлаб чиқарган кенг истеъмол молларини аҳоли эҳтиёжидан қанча қисmini ташкил этади, деб сўрасангиз, марҳамат, бор-йўғи бир ярим фоизини ташкил қилади, холос! Бошқача қилиб айтганда, бу демигандан бир томчи.

Шу йилнинг биринчи ярмида Тошкентдаги 17 та корхона 22 миллион 710 минг сўмлик кенг истеъмол молларини мулкхалдидан кам ишлаб чиқарди, бу борадаги планга ўзига хос «тузатиш» киритди. Улар орасида «Тўқимачилик комбинати» (4 миллион 879 минг сўмлик), «Лак-бўёқ заводи» (бир миллион 710 минг сўмлик), «Мебель фабрикаси» (530 минг сўмлик) ва бошқа корхоналар бор.

12 та корхона эса планни уздали олмади. Улар харидорлардан 3,3 миллион сўмлик қардор бўлиб қолдилар.

Келинг, ҳозирги ошқоралик даврида уларнинг номларини ва қайси районларни орқига тортаётганлигини элга ошқора қилайлик. Киров районидаги «Бакпрепаратлар» ишлаб чиқариш корхонаси, Қўйибеш районидаги экскаватор, лак-бўёқ ва 1-тажриба-механика заво-

Бейхшов буюмлар, ранжиган мижозлар

лари, Ленин районидан «Қизил тонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси, чўқнали ва картон буюмлари ишлаб чиқариш комбинати, Собир Раҳимов районидан «Мебель-бит» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Компрессор» заводи, металлни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси, Фрунзе районидан «Ташпоробуверембит» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ҳамза районидан қороз фабрикаси ҳамда В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари-дир.

Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни қўйитириш ўрнига қамайтириб юборган корхоналар орасида эса «Ташвотматика», савдо ускуналари заводи, кўн-мўйна заводи, тамаки фабрикаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг напришти, «Компрессор» заводи, «Прокатраза-бит» ишлаб чиқариш бирлашмаси, ошқона ва бошқа мебеллар, санитария-техника жиҳозлари заводи ва бошқа


корхоналар бор. Улар (жами 22 корхона) 1988 йилга исбадан шу йилнинг 1 ярмида 14,5 миллион сўмлик кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни қамайтириб юбордилар. Агар улар ўз зиммаларига юклатилган вазифани муваффақиятли удалашганда бу борада ўсиш суръати 108,9 фоизни ташкил этган бўларди.

«Янгилек» индекси билан маҳсулот ишлаб чиқариш планлари, модални буюмлар

номидаги, «Учқун», «Чевар», «Қизил тонт», «Малика», кўн-галантерея буюмлари ва спорт товарлари бирлашмалари, бош кийимлар фабрикаси, «Шарк» кўн-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Октябрь 50 йиллиги», тўқимачилик комбинати, 1 ва 2-лойабзал фабрикаси, кўн-мўйна заводи сингари корхоналар планларини муваффақиятли адо эттиди. Бунинг учун меҳнатсевар юзлаб қўли гул чеварлару устадлардан харидорлар миннатдор бўлмоқдалар. Бу бизнинг маҳаллий корхоналарнинг кўпгина коллективлари қўлидан ҳам аёло сифатли маҳсулот тайёрлаш келишини кўрсатиб турибди! Уларнинг меҳнату маҳоратини қамситмаган ҳолда биз бутун улар олди-га ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқёсларини кенгайтириш вазифасини қўйса ярашади. Бу ҳақда тармоқ министрликлари ҳам ўйлаб кўришлари керак. Юқорида номларини тилга олиб ўтган айрим корхоналарда ҳамон «Янгилек» индекси билан тайёрланаётган буюмлар салмоғи икки ярим миллионлик шаҳар аҳолиси талаб-эҳтиёжларига тула жавоб бера олмаётир, деб баралла айта оламиз.

Мана, ўзингиз бир мулоҳаза қилиб кўринг, шу йилнинг биринчи ярмида «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ана шундай маҳсулотлари корхона бўйича жами ишлаб чиқариш маҳсулотининг атғи 1,5 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткич «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасида 4,3, Тошкент «Шарк гули» бадий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида бор-йўғи 0,2, «Шарк» кўн-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида 2,5 фоизни ташкил этган, холос. Биз мақур корхона раҳбарларидан — «Хўш, бу аҳволда беш йиллик тўртинчи йилни қандай якулламоқчиёсизлар?» — деб сўрашга ҳақлимиз. Ахир, бу аҳвол ҳозирги қайта қуриш талабларига мос тушадими?

Ҳ. ИКРОМОВ.



Қурувчилик касбини паравлаётганлардан бири меҳнат ветерани Виталий Егоров. Ҳозир шу кунгача қўли теккан бинолар саногига етиб бўлмайди. Аммо бир нараса аниқ, «Алгоритм» массивида у бирга меҳнат қилаётган 2-ўйсозлик комбинати-

нинг 4-монтаж божқармаси қурувчилари ҳозир 20-ўйи қуриб топшириш арафасида туришибди. Бу «Т-СП» серияли тўққиз қаватли уйдир.

СУРАТДА: моҳир қурувчи М. Егоров.

Т. Каримов сурати.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

21 июль куни Фарғона область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум Фарғона областидagi фожияли воқеалар ҳамда партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қи-

лиш органларининг маъсулиятни тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

И. А. Каримов доклад қилди (доклад матбуотда эълон қилинади). Пленум ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И.

Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудир П. В. Догонкин қатнашдилар.

(ЎЗАТА).

Бахтли хонадон соҳиблари

● 2-ўйсозлик комбинатига қарашли 4-қуриш божқармаси коллективи бунёд этган 9 қаватли турар жой биноси ёнида уй-жиҳозлари ортилган машиналар кети узилашди. Бахтли хонадон соҳиблари кўчаларини ташкил билан банд. Ҳа, Чилонзор—31 массиви аҳолиси яна 238 оилга қўйилди. КПСС XXVII съезди ўртага қўйган аҳолини уй-жой билан таъминлаш программасини амалга оширишда байроқдор коллектив ташаббусини қўлдан бермай, бу ишга амалий ҳисса қўшиб келяпти.

Т. БУЛАТОВ.

Инсон ҳақида ғамхўрлик

● Тошкент-қўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмасида инсон омиғига алоҳида аҳамият берилиб қатор қўлайликлар яратилмоқда. Корхонада 4 қаватли маиший хизмат комплекси қурилиши бошланди. Бу комплекс ишни ва хизматчиларга 25 хил хизмат турини амалга оширади. Бунёдкорлик ишлари учун 300 минг сўм капитал маблағ ажратилган. Қурилиш ишларини «Ташвотстрой» трести коллективи олиб бормоқда.

Д. ОБЛАЕВ.

Корхона оталиғида

● «АЛГОРИТМ» заводи билим масканлари билан яқиндан алоқа борадиган, Айрим ҳунар-техника билим юртлири эса унинг оталиғига олинган. Шу янги ўқув йили арафасида корхона яна бир хайрли ишга қўл урди. Шаҳримиздаги 50-ва 57-хунар-техника билим юртлири эндиликда завод оталиғида фаолият кўрсатади. Шу муносабат билан корхона бу даргоҳлар ўқув моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш учун қўлай шароитларни ярати бериш тадбирларини кўрди.

Ҳар иккала масканда электрон-техника ихтисослиғи бўйича машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилди. Ёшларга «ақил» машиналар соловчилари касбини ўргатишда заводнинг етакчи мутахассислари ҳам қўлларидан келган ёрдамларини аямайдилар.

Шундай қилиб, шаҳримизда ана шу ихтисослик бўйича кадрлар тайёрловчи билим юртлар сони бештага етди.

С. ОДИЛОВА.

Байналминилчи жангчиларга

● ШАХРИМИЗ госпиталида даво топаётган байналминилчи-жангчилар учун барча қўлайликлар мўжайиб этилган. Шифонада беморларга намунали маданий хизмат кўрсатишга ҳам алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Эндиликда у ўзининг мўъжазгина кутубхонасига ҳам эга.

Тўғри, дастлаб, бу кутубхонада китоб-

лар оз эди. Орадан кўп вақт ўтмай унинг фонди қўллаб янги нашрлар билан бойиди. Шаҳримизда янги ташкил топган «Китоб банки» кенгаши ҳиммати билан талайгина қизиқарли бадий ва ижтимоий-сиёсий адабиётлар госпиталга тортиқ қилинди.

Гал шундаки, шаҳар китоб савдоси идораси ташаббус билан «Китоб банки»га беш минг нусхадан ортиқроқ турли китоб ва альбомлар ўтказилган эди. Ана шу нашрлардан бир қисми госпитал кутубхонаси фондидан ўрин олди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Яқин ҳамкорлик

● ЎЗБЕКИСТОН билан Қирғизистон ўртасида йўлга қўйилган илмий ва маданий алоқалар йил сайин кенгайиб борапти. Бундай яқин ҳамкорлик олий ўқув юртиларида ҳам яқин натижалар бермоқда. Бунинг Низоий номидаги Тошкент Давлат педагогика ҳамда Маяковский номидаги Қирғизистон хотин-қизлар педагогика институтлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Тилларни ўрганиш ва ривожлантиришга эътибор қўчайган бугунги кунда олим-калла олий ўқув юрти мутахассис олимлари бу соҳанинг айрим муҳим томонларини илмий асосда чуқур тадқиқ қилишга киришдилар. Икки тиллилик ва кўп тиллилик муаммолари устида изланишлар олиб бориш йўли билан қатор илмий методик тарафдаги ишлар юзга келди.

Шунингдек, ретиниш педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича ўзаро фаолиятни мувофиқлаштириш ҳам кўзда тутилди. Педагогика йўналишидаги бу каби илмий-амалий ишлар тематикаси Ўзбекистон ССР ва Қирғизистон ССР халқ таълими министрликларининг яқинда биргаликда имзоланган ҳамкорлик ҳаёдаги шартномасида ўз ифодасини топди.

Мароқли давра суҳбатлари

● ЧЕТ ЭЛЛАР билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг ёшлар секцияси ташаббуси билан қизиларга тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Секция ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Диалог» сўёсий-байналминилчи клуб йўли билан ёшлар тарбиясининг долзарб масалалари бўйича ташкил этаётган давра суҳбатлари ҳам, жуда маъмули бўлмоқда.

Республика комсомол активлари билан биргаликда қўйилаётган бундай тадбирларга қўллаб студентлар ва юқори синф ўқувчилари тақлиф қилинмоқда. Кўзга кўринган олимлар, адабиётшунослар, юристлар, давра суҳбатларда ахлоқий тарбия муаммолари тўғрисида сўзлаб, шу ҳусусдаги қўллаб саволларга атрафли жавоблар қайтармоқдалар. Бундай учрашувларда Ўзбекистон халқлари маданияти тараққиёти масалаларини ҳам кўриб чиқиш режалаштирилди. Шунингдек, экологик тарбияга доир савол-жавоблар ҳам уюштирилади.

А. АЛИЕВ.

Хайрли тадбирлар

● ОИБЕК номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи 1988 йил апрель ойидан бери ремонт туғайли беркитилган эди. Лекин музей ходимлари янги тадбирни амалга ошириб, ундаги мавжуд 7 та кўргазмани кўчма равишда завоқ, фабрика, колхоз, ўқув юртлирига, эвоқхоналарга намойиш этишга киришдилар.

Айни пайтда эса «Қадимги Ўрта Осиё маданияти» кўргазмаси тўқимачилик комбинатининг 21-ётоқхонасида, «Илм-фан тараққиёти ва давр талаби» кўргазмаси «Ташвотматика» заводида намойиш қилинмоқда. «Ўзбекистоннинг чет эл билан алоқалари» кўргазмаси тўқимачилар маданияти саройида, «Хотин-қизлар қайта қуришда» кўргазмаси П. Охунбобоев номи медицина билим юртига қўйилган. Музей ходимлари кўрсатаётган кўргазмалари бўйича лекциялар ўқишмоқда.

О. МАХМАЮСУПОВ.

«Хумор»да хотира кечаси

● АКАДЕМИК шоир, Ленин мукофотининг лауреати Ғафур Ғўлом хотирасига бағишланган адабий-музыкали кеча Ленин комсомол номи Марказий маданият ва истироҳат боғида ўтказилди. Адибнинг совиқлик дам олиш жойи бўлган «Хумор» чойхонаси жуда гавжум бўлди. Дастлаб, устознинг овози ёзлган магнит лентаси қўйиб эшитирилди. Шундан сўнг шоирнинг энг яқин шо-

гирдларидан бири, ёзувчи Ваҳоб Рўзиматов сўзлади. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, бадий сўз устаси Мухсин Ҳамидов, шоир Анвар Эшонов ва бошқалар ўзбек халқининг севишли фарзанди ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар.

А. ШОКИРОВ.



● ЧИЛОНЗОР район ошхоналар тrestaҳи қарашли янги «Аломиш» қаҳвахонаси дастлабки ҳўраналарини қабул қилди. Қаҳвахона Фарход бозорига бораверишдаги катта йўл бўйида жойлашган. Шу ерда миялий чойхона, ичимликлар билан савро қилувчи барлар ҳам бор.

СУРАТЛАРДА: «Аломиш» қаҳвахонаси; «Ветеран» чойхонасида. Ҳ. Мирзакаримов суратлари.

Қизгин тайёргарлик

● УЛУҒ инглиз драматурги В. Шекспирнинг айрим пьесалари республикамиздаги қатор театрлар репертуридан мустаҳкам ўрин олган. Улан сўз санъаткорининг машҳур «Отелло», «Ҳамлет» фожиялари эса саҳна усталари эҳтиборини қўпдан бери ўзига жалб этиб келмоқда.

Ўзбек давлат «Еш гвардия» драма театри ўз мухлисларига «Ҳамлет» фожиясини тақдим этишга қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Янги спектакль режиссураси ва саҳна безаклари ҳам ўзига хос бадий шаклда намён бўлади. Постановка саҳналарига ишланган декорациялар расом Г. Брим томонидан маҳорат билан яратилди. Томошабинда жозибали ҳис-туйғу уйғотилган ана шу ижод намуналарини эскизлари республикамиз театрларидан муносиб ўрин олди. Бу экспозицияда шаҳримиздаги бошқа театрлар расомларининг энг яқин ишлари ҳам бор.

Хўшбаблар

● «СРЕДАЗГАЗПРОМ» бирлашмаси мутахассислари Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтини олимлари ишлаб чиққан рецет бўйича, газ-конденсатни ёниги тайёрлашнинг ўрнига олдилар. Улар Шўртон газ қонида ўтказган тажриба муваффақиятли чикди. Янги ёниги дизель ёнигисидан анча арзон тушади ва шу билан бирга ҳавони икки баравар кам булгайди. Афсуски, газчилар республика давлат план таъминоти комитети уни фондларига қўшмагунича, давлат нефть маҳсулотлари комитети эса бундай ёниги сақланадиган жойларни тайёрлаб бермагунича бу ёнигини етказиб беришга кириша олмайдилар.

● «СРЕДАЗКАБЕЛЬ» бирлашмаси чиқиндиларни қавлаб олиб, анчагина фойда кўрди. Кўп йиллардан бери бу ерда фторопласт қобитига ўшалган, лекин талабга жавоб бермайдиган кабелни нима қилишни биллишмас эди. Ҳимоя қобити ностандарт бўлган симларни тўғридан тўғри завод территориясида қўмиб юборишарди. Бош заводнинг цехларини ижарага олган давлат кооперативлари «сифатсиз сим»ларин ердан қавлаб олиши ва улардан рўзгорда, станоклар ва электр арраларини ишлатишда фойдалана бошлашди.

● ТОШКЕНТНИНГ Ленин кўчасидаги 40-ўйи шу уйда яшовчи кишиларнинг ўзлари Фрунзе район ижроия комитетининг «ташабууси»дан сақлаб қолишди. Улар уйнинг ташқи меъморий қиёфаси бузилишига йўл қўймадилар — уй арки ичида магазин очилишига йўл қўйишга эшитиб, ўйламай қабул қилинган қарорнинг бекор қилинишига эришдилар. Бинолар қиёфасига бундай ўзгаришлар киритиш яқин-йўлгача ҳам оддий ҳолат бўлиб келган эди: район архитекторлари ўша ижроия комитетларининг ўзида хизмат қилишарди. Лекин хўшбаблар келди: Бундан беш уларнинг ҳаммаси шаҳар бош архитекторига бўйсунмадиган бўлишди. Энди жамоатчиликнинг иттифоқчилари ҳам пайдо бўлди.

(ЎЗАТА).

ОНАЛАРНИНГ АЛАМИ

Тошкентда ўзбекистонлик байналминилчи жангчилар оналарининг учрашуви бўлди. Учрашувни Ўзбекистон касабасоюзлари республика Совети билан республика Хотин-қизлар кенгаши уюштиришди. Ўзбекистон касабасоюзлари республика Советининг раиси, республика Хотин-қизлар кенгашининг раиси Х. Алимова учрашувни очди.

Байналминилчи жангчиларнинг оналари учрашувда сўзга чиқиб, инсоннинг юксак вазифаси ҳақида, совет кишиларига хос ватанпарварлик ва байналминилчилик тўғрисида гапирдилар. Мана шу мардона аёллар — ўғлини кутиб олишга мушарраф бўлганлар ҳам, олис афғон диёрида фарзандлари нобуд бўлганлар ҳам Фарғона фожияси ҳақида жуда ачинай гапирдилар. Бебошларнинг ашаддий яқинотчиларининг гаразли ниятларини қондирши йўлида ўз юртида, тинч вақтда фарзандларидан ажралиш, айниқса аламлидир. Бундай воқеалар такрорланмаслиги керак.

Шу кун улар Намойишлар кибодига Номатлум солдат қабрига гулчамбар қўйдилар.

(ЎЗАТА).

КУЗБАСС ИШГА ТУШДИ

КЕМЕРОВО, 21 июль. (ТАСС махсус мухбирлари Н. Железов ва Г. Шалевкин). Ун қули иш ташлашдан кейин Кузбассдаги ҳаёт тўла-ўткин нормалашди. 20 июль кечаси областнинг барча шахталари ва корхоналарида иш ташлаш комитетларининг қарори билан тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш мароми қайта тикланди. Тертиб сақлаш ва иш ташлашнинг боришини бошқариш учун тузилган мана шу муваққат иш органлари ҳозир партия, касабасоюз ва совет органлари билан биргаликда регионнинг нормал турмушини йўлга қўйиш жараёнига феоқ қўшилдилар.

Бу ердагиларнинг фикрича, иш ташлаш жуда катта зин етказди ва унинг уртинни деярли қоплаб бўлмайдди. Ун кун бекор турилганлиги Кузбассини барча пландан ортқ маҳсулот жамғармасидан маҳрум этди, корхоналар ва ша-

ҳарларнинг социал ривожланиш фонди резервларига катта пугтур етказди. Кузбасс шахтерлари, уланнинг барча меҳнатчилари бой берилган имкониятини савобли меҳнат билан, юксак ушшоқлик билан тўлдиршига бек бөлганлар. Улар қайта қуриш учун тахликали воқеалар тақрорланмишга йўл қўймаслик мақсадида партия ва касабасоюз комитетлари билан янада мустаҳкам ҳамкорликда ишлай бошладилар.

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Слюняков «Кузбассдаги ҳаёт бе-ловоқ, Гурьевск, Салаир шахтарларининг меҳнатчилари билан учрашувлар» ўтказди. Бугун эрталаб комиссия аъзолари Междуреченскга жўнаб кетдилар.

Санъатнинг сеҳрли олами

Замира Миромлимова моҳир созанда, истеъдодли бастакорларимиздир. Унинг ижоди, яратган асарлари ўзбек совет санъатига ўзига хос сифатларни таъминлади, десак лоф бўлмайди. Мухтор Ашрафий номиди Тошкент Давлат консерваториясининг халқ чолу асбоблари ва бастакорлик факультетига таниқли ўқитувчилардан рубоб синфи бўйича Сулаймон Тохтаев ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Борис Федорович Гиевко устозлигида таҳсил қўлди. Ҳозирги кунда эса Ўзбекистон телевидение ва радиосининг музикали эшиттиришлар беш редакциясида муҳаррир бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

Замиранинг лирик қўшиқлари, романслари кўп йиллардан бери Ўзбекистон телевидение-си ва радиоси орқали узлуксиз янграб, халқимизга манзур бўлмоқда. «Согиниш» (Ғайратий), «Ўзгал аёллар» (Туроб Тўла), «Дуторимнинг боридан» ва «Торининг йилгитма» (Пўлат Мўмин), «Решим менинг» (Маъруф Қориев), «Йўлдош йилгитлар», «Ўзбекистон офтоби», «Хуш келибсиз, меҳмонлар» (Енгин Мирзо), «Дилрабо» ва «Рухсориган» (Восит Саъдулла) каби қўшиқлари шулар жумлаандир. Таълимий бастакоримизнинг ижод намуналари етук хонандларимиздан Ўзбекистон ССР халқ артисти Коммуна Исмоилова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Малолхат Дадабоева, Ҳади Юсупова, Исроилжон ва Исмоилжон Мухомедовлар, ёш, истеъдодли хонандлардан Матлуба Дадабоева, Ҳуррият Исроилжон, Замира Сулонова, Малика Раҳимова, Холмурод Зарипов, Гулгина Зокирова, Гулшан Ҳасанова репертуарларидан мустақам ўрин олган.

Замира хонан камер оркестр учун ҳам бир неча сюиталар басталади. У ўзбек миллий чолгуларидан чанг созини симфоник оркестр билан боғлаб, концерт-диалог яратди. Торли квартет учун ҳам асарлар ва уч қисмли сюиталар ёзди. Унинг барча асарлари Ўзбекистон бастакорларининг пленумида, композиторларнинг съезди махсус концертларида ижро этилиб, мухлислар олинкига сазовор бўлди. Унинг музикалари жонли, жозибали ва пирлиги, миллийлиги билан ажралиб туради. Ҳар бир қўшиқларида ҳам, кетта асарларида ҳам халқчиллиги сезилиб туради.

Замира хонан билан учраганимизда у қизғин ижод устида экан.

— Замира хонан, сиз композитор сифатида ҳо-

зирги бурилишлар даврида санъатнинг роли қандай деб тушунасиз?

— Инқилобий бурилишлар, янгилаш даври бўлиш ҳозирги даврда санъатни ҳаётини эҳтиёжлардан бири деб ҳисоблайман. Мусиқа маданиятимизда бу аста-секин намоён бўлмоқда. Санъат соҳасида ҳам янги муносабатлар, янги эстетик барпо қилиниши керак, деб ўйлайман. Мусиқа маданиятимизнинг ҳаётининг, унинг эҳтиёжларини чуқур ўрганишимиз лозим. Қўй-қўшиқлар ижтимоий ҳаётга айланиши учун унинг бадний асосда тингловчи таъсир этиб, фикрини жалб қила оладиган, жозоба кўнра эга бўлмоғи керак. Шун-

налминаллик деб ҳисоблайман. Албатта, бу менинг шахсий фикрим.

— Класик маъмо ашуларининг ривожин қандай нима дея olasiz?

— Класик ашулар, маъмо ашуларини ҳар хил хонандлар томонидан ижро этиб келинмоқда. Бу борада Тошкент Давлат консерваториясининг маъмо кафедраси катта ишлар қилмоқда. Авлоддан-авлодга асрлар оша девом этаётган бу мусиқамиз ҳеч қачон ўлмайди. Лекин телевидение ҳам, радиода ҳам факат яхши, меҳрибонга етказиб қўйладиган хонандлар кам. Чунки, ўртача қўйланган қўшиқлар жуда қўлайиб кетган. Бир қўшиқни бир неча

Замиранинг дилрабо куйлари

да бадний асар эътибор топиши, ўз мухлис-ларини манун этиши мумкин.

— Ҳозирги кунда Европа соҳари ўзбек миллий ансамблларида ишлатиб келинмоқда. Ёнис Бойтоев, Юлдаш Усмонова, Нуриддин Ҳайдаров ва бошқа ёш хонандларимиз ижодда бун қўшиқ мумкин. Шу ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?

— Биринчидан, ижодни ҳеч қачон чегаралаб бўлмайди. Ҳар бир бастакор қай жанрда ҳоҳласа, шу жанрда ижод этиши керак. Кейси хонанда қандай ансамблда ижро этиши ўзига, хоҳишига боғлиқ. Асосий масала, музикани эшитиб, ундан маънавий озиқа олишда, Энг муҳими, у ижро этаётган қўшиқни, куйни эстетик завок ўнготиб, тингловчилар томонидан қабул қилинишида. Мусиқавий нуқтиямизнинг ижодига хилма-хил йўналиш услублари ва оқимлари кўп. Улар бир-бирига ижобий таъсир кўрсатса, музика маданиятимиз равангига ас истиснои аяда «порлоқ бўлиши мумкин. Аънавлар ўзаро бойиши, бир-бирига ижодий таъсир кўрсатиши кўп миллилати мусиқамизга хос нарсас. Бун мен амалдаги ижодий бай-

хонанда қайта-қайта куйлайди. Мен ўйлайман-ки, улар ичидан энг яхшини, халққа манзур бўладиганларини магнит ленталарига тушири-шимиз керак. Бунда мен яна бир нарсани ўртага ташламоқчиман. Радионинг бадний кенгашида тингловчиларнинг юракларини тўқин-лантирадиган қўшиқларига ёзиб олинса, тар-ғиб қилинса.

Ҳозирги кунда қўшиқ соҳ олиб қўшиқ куй-лаётган ҳар бир созанда ўзини бастакор деб ҳисоблайди. Бизга қўшиқ олиб келишда-да, бу менинг қўшиғим, ўзим басталаганим деб авторлигини даъво қилишдади. Қўшиқнинг кам-чиликларини, сависли пастлигини ёки шеърини куйга мос тушмаганини айтсак, бўлмаса халқ куйи деб ўтказиб қўлинглар, деб айтишдади. Бундай қўшиқлар жуда ҳам кўп. Халқ қўшиқ-лари халқники бўлиб қолиши керак. Улар халқ ичидан чиққан, халқ меҳрини қозongan, халқ билладиган, савиб тингладиган қўшиқлар бўлиши керак эмасми? У алоқ қўшиқлар йи-ғиндиси бўлмаслиги зарур.



Улуғ алломамиз Юнус Ражабийнинг олти жилдлик «Шашмақом»и барчага маълум. Ҳозирги кунда маъмо ансамблида олий маълумотли ёшларимиз кўп. Қолаверса, Юнус ака давридаги хонандларимиз ҳаёт. Шулардан фойдаланиб, маъомнинг этичин томи яратил-са ва нотага туширилса, мухлислар оразуси ушларди.

— Ҳозирги кундаги ижодингиз ҳақида ҳам бир оғиз тўхталсангиз...

— Иттифоқимизда, республикамизда тинч-ликини ҳимоя қилиш ҳар бир инсоннинг, ижод-корнинг виждон бурчиға айланиб бормоқда. Осмонимиз тинч бўлса, кўнглимиз хотиржам бўлади. Ана шу хотиржамликда яхши-яхши куйлар, қўшиқлар юзага келади. Мен ҳам шу босқинда Холиснинг «Тинчлик ҳимоячиларига» деган шеърига ҳамда шоир Шуккур Курбоновнинг «Кўнглилар тинчилиги — эллар тинчилиги» деган шеърига куй басталадим. Яна Ҳамид Гуломнинг шеърига тўрт қисмли «Урушнинг тинчилиги» номли кантатени тугатганман. Мақсадим ўз санъатим, ўз ижодим билан халққа хизмат қилишдир.

Фотима ШАРИПОВА, санъатшунос.

Қардошлик мушоираси

Фаза АЛИЕВА,
Догистон АССР халқ шоири,
РСФСР Давлат мукофоти лауреати.

Мен кафтнингда куйлайман...

Кафтинг ҳақида мен эгтумдир мадҳ
Уни неларга ўхшатсам экан,
Шу заварда кафтда турмак аҳд
Қалбим асра текизмай тикан.
Унга йўлатмагин ёлгон сўз
Асра жирканч ҳасад, балодан.
Кафтинг ёқут чаноқ ўйлағим —
Кафтинг чаноқ, ёлдо тилдоғим.
Мен кафтнингда туриб куйласам,
У азизроқ арши-аълоғим.
Кафтинг ёқут чаноқ ўйлағим —
Уммон узра сақлар балодан.
Исёнқ кафтнинг тафти эритиб,
Учиб боргум кенгликлар томон.
Севгим сендан қочгум энтикиб
Қочмак асли билсамда ёмон...
Гар туширсанг кафтнингдан
Бир он —
Ёқут доналарга айлангум.

Инон...
Ердан топиб семиз опахон,
Ва бўйинга ясатар маржон...
Е дур томчи исирга бўлиб,
Қай қулоққа безакман-халқа.
Нўқ, кафтнингдан,
Тушмайин сўлиб,
Ҳеч ажрас йўқ, сен мени олма...
Кафтларингга сингиргум мулоҳ,
Лек, недандир эрк учун ҳавас.
Учмак истар дил,
Бўлгин сен бардан,
Мени кафтдан чиқарма бир пас.
Гавҳар янглиг бебаҳо, қиммат
Афсунгардир менинг юрагим.
Кафтда турмак ато эт қудрат.
Унда қолмоқ эгтү тилагим.
Мени кафтдан чиқарма бир пас...

Ҳеч таслим бўлма...

Бирон фурсат, бўлсин бирор он
Бошга тушса нотагон кулфат.
Умидсиз ва бўлма халфақон,
Ишонч билан курашгин фақат —
Таслим бўлма,

Олам саси онингга синар
Қайғунг қувар жаҳаннам сари.
Азоблар ҳам унут бўлajak,
Енинг қочур бўлиб сарсар...
Қалбдан қулла дилгирлик сасин
Ва бақирма, сўзин қил ҳалим!!!
Едда тут, даҳшатли —

Яқин дўстинг қилса хиёнат,
Дилинг ағёр айласа ҳуфтон.
Еринг хўрлаб билмай диннат,
Бошга бало ёдирса, бўхтон,
Сен умидсиз бўлмагин бир он
Умид алаб,

Кўрқинч ҳолат,
Умидсизлик — қалбнинг сиртоғи...
Мен ошманам қўлдан кулфатга
Ҳасрат қуони қалбимга бало.
Бир нарсас де,

Бошинг узра чақисини чақмоқ
Яшини каби сачратиб қайғу.
Тос тепадан момақалдиқроқ
Қаҳ-қаҳ урса ачинама, туйғу —
Хилпаса бўрса нотаго ҳаво,
Бўйинг узра ажал сиртоғи...
Оний нафас қолгунча кураш:
Умид — кислород — ҳаёт ўчоғи —
Таслим бўлма,

Кўрқинч ҳолат,
Умидсизлик — қалбнинг сиртоғи...
Мен ошманам қўлдан кулфатга
Ҳасрат қуони қалбимга бало.
Бир нарсас де,

Бил! Даҳшатли, қўрқинчли ҳолат,
Умидсизлик — қалбнинг сиртоғи.
Ишқ рипшан едими шикаст,
Дўстлик нин узадими чирс?
Қувонч қутиб, ишониб иша,
Умид қушн чарх уриб

Кўрқинч ҳолат,
Умидсизлик — қалбнинг сиртоғи...
Мен ошманам қўлдан кулфатга
Ҳасрат қуони қалбимга бало.
Бир нарсас де,

Қора дил ойнаган гулгун —
Чарс синиб, қалб хира дарчаси —
Баҳор елди уйингга ташир.

Кўрқинч ҳолат,
Умидсизлик — қалбнинг сиртоғи...
Мен ошманам қўлдан кулфатга
Ҳасрат қуони қалбимга бало.
Бир нарсас де,

Бурун устидаги... телевизор



Американинг «Рефлекси» технологияси компанияси мутахассислари яратган «электрон кўзойнаклар»нинг ишлаб чиқариш технологияси ушбу фирма раҳбарияти томонидан қаттиқ сир сақланмоқда. Бунинг сабаби бор. Гап шунданки, ҳақи ҳеч ким шу хилдаги янгиликни ярата олмаган. Гап кўзойнак шипасига жойласа бўладиган, айна вақтда қарийб шаффофликка эга қолдиган монитор ҳақида кетаяпти. Ана шундай мусамман таққини теаварак-атрофда рой бераётган барча ниқеаларни экрандагидек кузата олади, айтилик, компьютер ўйинларини ўйнаши мумкин. Митти компьютернинг ўзи оддий тасмага ўрнатилган ёки унга маҳкамланган. Ғарбий Германия, «Шингел» журналга маълум бўлишига қараганда, экранни нурланувчи диодлар, қўйма қўзулар ва митти линзалар ёрдамида ҳосил қилиш режалаштирилмоқда. Томошабонда тасвир ундан бир метр масофада жойлашгандек тасаввур пайдо бўлади.

«Рефлекси» технологияси мутахассислари шу билан келаклини ниятида эмас. Улар кўзойнакнинг гардишига жойласа бўладиган видеомагнитофон яратиб устида ҳам иш олиб боришапти.

(«Комсомольская правда»дан).



Китоб энг яхши совға.

Р. Альбеков сурати.

Газетхон илтимосига кўра

Музли қитъада «асал ойи»

Ҳурматли редакция! Она-сайёрамизнинг Жанубдаги энг совуқ қитъа — Антарктидага ҳар йили экспедиция боради. Бу ерда аёллар ҳам қадам равижда қилишганими! Шу ҳақида ва бу муз қитъаси тўғрисида маълумот берсангиз.

Зумрад ИСАХОНОВА, ишчи.

Биз истиқомат қилаётган серкуёш ўлкадан анча узоқда, сайёрамизнинг жанубий қутб доирасида, бошқа қитъалардан бутунлай фарқ қиладиган аҳоли-ёб муз ўлкаси — сирли Антарктида бор. Унинг майдони 14 миллион квадрат километр-ни ташкил этиб, бу борада у энг кичик қитъа Австралиядан икки баробар, Европадан эса бир ярим марта катта. Энг кичи-ки шунданки, муз ўлкасида сайёрамиздаги барча чуқуқ суварлар улушининг 80 фоизини йиғилган. Бу шунчалик кўп оби-ҳаёт бойлигини, агар музлар эритилса сайёрамиздаги мавжуд барча дарёларини 500 йил оқим билан таъминла-ши ёки бўлмаса ер шарини 50 метр қалинлиқдаги сув қоп-лаши мумкин бўлар эди. Қитъа-ни қоплаб олган музнинг қалин-лигини айтмайсанми, у баъзи-ан ерларда 4200 метрга етади. Шу себабли у қитъалар ичи-да энг баланди ҳисобланади.

Антарктидада қаҳратон қиш бутун йил давомида ҳўм су-ради. 1983 йилнинг июли ойи-да совет илмий станцияси — «Восток»да сайёрамизда энг паст ҳаво ҳарорати — минус 89,2 даража кузатилди. Мана шундай оғир табиий шaroит-ларга қарамай Антарктида кен-ингги деярли 170 йил ичида оловқалб тадқиқотчилар на-зоридан қолмай келяпти. Эн-дигилика Совет Иттифоқи би-лан бир қаторда дунёнинг 13 мамлакат кўп сонли станция-ларини қуриб, музни қитъа сир-ларини ўрганаётганлар. Бу стан-цияларда яшаб меҳнат қила-ётган мутахассислар сон иш-ойлари 1000 кишидан ошиб кетди, уларнинг барчаси эр-каклардир. Эркаклар бу ҳолдан

ғурурланишлари мумкин — қараганки, сайёрамиздаги олти қитъанинг бири бутунлай эр-каклар ихтиёрида.

Аммо! Кейинги пайтларда аёлларимиз бу ерда ҳам ўз жасоратларини кўрсата бош-лашди. Антарктида ерига би-ринчи қадам қўйган аёл нор-вегиялик Каролина Миккель-сен. У 1934—35 йилнинг эгиз мавсумида «Торсхавн» танке-ри капитани, турмуш ўртоғи — Кларис Миккельсен бил-лан бирга музли қитъада бў-лишга муяссар бўлди.

Янникса ёз ойлари эркаклар-нинг музли қитъада «хўжайи-лиги» анча келаклиб қолади. Бу пайтда аёллар кела бош-лашди. Бу — қитъа қирғоғига келиб турган кема экипажи-нинг аъзолари, самолётлар-нинг стюардессалари, илмий ходимлар ва оддий туристлар. Туристлар орасида совет стан-цияси Беллинсгаузенини қў-ришга келган Американинг маш-ҳур ёзувчиси Э. Хемингуэй-нинг рафиқаси ҳам бор эди. Ёз ойлари Антарктиданнинг аҳо-лиси 5 минг кишини ташкил этади. Кейинги 20 йил ичида ёз ойлари Антарктидага ташир-ф буюрган аёллар сон анча кў-пайиб кетди. Уларнинг баъзи-лари қитъанинг фақатгина қир-ғоқ қисмида эмас, балки унинг бошқа ерларида ҳам бўлишди. Шундай қилиб, 1969 йилнинг ёз ойларида олти аёл, ҳаттоки Жанубий қутбда бўлишди.

Кейинги 30 йил ичида Ан-тарктиданги ўнлаб совет аёл-лари қўришга муяссар бўлди-лар. Улар орасида Биринчи Со-вет антарктик экспедицияси-нинг катташчиси, дегиз геоло-гис бўйича таъинли олим М. М. Кленова, биолог В. С.

Шанба оқшомида

Турмуш қорраҳаларида Виждон овози

БУ ВОҚЕАНИ эшитганимга анча бўлди. Негадир тез-тез эслаб тураман. Унинг ўрнида бўлганимда мен нима қилган бўлардим? Шу саволга жавоб топиш учун воқеа-ни қайта-қайта кўз ўнгимда тавдалантираман.

...Уша кунни Доңиёр уйга жуда асабий кириб келди. Ни-мадандир хаяжонлар, қўзларда эса хавотирлик ало-мати сезилиб турарди. У ўз хонасига кириб бошини икки қўли билан чангаллаганча курсига ҳорғин чўлиди.

Ўзини чалғитиш учун дарс қилишга тутинди. Барибир бўлмади. Қўзларни китобда-ю, ҳаёлида яна ўша муҳдиш воқеа. Эшикни кириб кириб келди, у аса ўзини сезмаганга олиб бошини китобдан қўтариб ўтираверди. Эшик ёпи-ди, сўнг оёқ товушлари хонанан узоқлашди. Ойиси экан.

Шу пайт қўшни хонанан дадасининг «Гол!!!» деб қаттиқ ҳайқиргани эшитилди. Демак, дадаси аллақачон ишда қелган. Нима учун унинг хонасига кириб ўтмади? Эҳтимол халақит бергиси келмагандир ёки эртага яхшанбалиги учун индамаётгандир.

Доңиёр ечиниб диванга чўзилди. Қўзлари юмса ҳам, оч-са ҳам ҳалиги икки йилнинг совуқ нигоҳлари, масхара-омуз тиряғи турлишари кўз ўнгига келаверди.

Эртага яхшанба. Кун бўйи уйда бўлади. Ота-онасининг, синглисининг қўзларига қандай қарайди. Бир умр улардан қочиб яшасини?!

Доңиёр қўзини очганда кун ёйилиб кетганди. Боши ёри-лай дерди. Ўзини совуқ сувага қовиб, нонушта қилгани чиқди. Ойиси ошхонада қўймагани юрарди.

Ассалому алайкум, ойи, — қандайдир ғайритабиий овозида салом берди у.

— Сента нима бўлди, ўғлим? Рангингда қон қолмабди?!

— сўради ойиси.

Доңиёр қўзини олиб қочди.

— Ҳеч нима. Кеча бироз бошим оғриганди. — Ёлгон-лаганидан сесканиб тушди. Ё тава, ойижонини алдиди-я! Доңиёрнинг томонидан ҳеч нима ўтмади. Қаршисда эса онасининг синчов, аммо меҳр тўла қўзлари унга бо-қиб турарди. Ғудаслигидан бери мана шу меҳрли нигоҳ-ни, самимий боқётган бу қўзларини ҳар кун қўради, ун-даги чексиз меҳрдан қонгунча тикиларди. Бугун-чи... Бу-гун у шу қўзларни алдиди, ундаги меҳрдан қонгунча ҳақни йўқ.

Доңиёр иродасини йиғиб, аста бошини қўтарди. Яна қўзлар тўқнашди. Самимий ва хавотирли икки нигоҳ. Ўйи, энди у ойижонини алдамайди.

— Ойи, бир гап айтсам майлими? — сўради у.

— Айтмоқ бўлам. Мен сендан шунга кутаётган эдим, — деди онаси жонлиб.

Сўнг Доңиёр бўлган воқеани айтди бошлади.

— Кеча мактабдан келиб тушганим қилар-қилмас қўли-га тафтирнинг олди-ю, кўчага отилди. Синф ишлари билан бўлиб, тафтирлов курсига бориш ёдидан қўтарилибди. Шо-пиш бекатга келганида троллейбус юришга шайланарди. Доңиёр орқа эшикдан чиқиб олди. Троллейбусда одам тур-банд эди. У йўловчилар орасидан ўтиб, ўрта эшикка зўр-ға етиб олди. Ишқилиб кеч қолмасин-да. У сал нарида турган йилгитча қўшн тушиб қолди. Йилгит эҳтиёткорлик би-лан бир аёлнинг бўйиндаги қимматбаҳо тилла занжирини ечиб олишга уринарди. Шу пайт Доңиёрнинг қўлини ким-дир қаттиқ қисди. У оқсига ўтирилиб қараганда новча йилгит қўрсаткич бармоғини лабига босди. Қўлига ишора қилди. Пичоқ. Сеза қолса-чи бу аёл. Нега бунча ўйчан. Ҳайрият, анави амаки ҳозир айтди. Не, нега юзини де-разага ўтириб олди. Ахир кўриб турибди-ку! Еки у ҳам шуларга шерикминан?

Йилгит «ишни» тамомлагач занжирини қўлига яширди. Аёл сесканиб бўйига қаради. Сездан:

— Вой ушланглар! Ўғрини тутинглар! — қичқирди у. Аёл ҳалиги йилгитнинг қўлидан маҳкам тутди. У новчага қўлиданги бериб юборганини Доңиёр сезмай қолди. Шу вақт унинг қўлига новча нимадир берди. Доңиёр қўлида ушлаб турган нарсаси муздек. Бу — занжир эди. Бутун вужу-ди музлаб, пешонасида резареза тер томчилари пайдо бўлди. Аёл эса ҳамон шовқин соларди:

— Сендан бошқа ким олади, қайтариб бер!

— Ояна, нега тўхтат қиласиз? Вақирманг. Ман олма-дим. Ишонмасангиз мана қўлларимни кўринг, чўнтагим-ни ҳам текширинг.

— Ояна, ундай деманг, — дея гапга аралашди новча, — бу йилгит менинг дўстим, унинг қўлидан бундай иш кел-майди. Балки биринчи бекатдаёқ «фишт» қилиб кетиш-гайди.

Шунича ёлгон гапириб бирор марта қизаришмади ҳам. Доңиёр атрофига алағлаб қарай бошлади. Ҳалиги ўтир-ган кишининг қўзига кўзи тушди. Сўнгги умиди шундан. Эҳтимол энди айтди, виждонини бори. У аса қўзини олиб қочди ва бамайлихотир деразадан қўчани томоша қила бо-шладди. Демак, қўрган, ҳаммасини билади. Нега индамайди?

Йилгитлардан бири наватдаги бекатда тушишларини қў-зи билан имо қилиб Доңиёрга билдирди. Иккалса тушиб олдинда кета бошлашди. Доңиёр ҳам қўлида муздай зан-жирини маҳкам ушлаганча, бошини ҳам қилиб уларнинг ке-тидан борарди. Хилватда уни қутиб тутирди.

— Маладес! Своик экансан! — деди новча тиряйиб.

— Бизга берган ерданинг учун сен бундан бир отам-лашмоқчимиз, — деди иккинчиси.

— Йўқ, мен ўқишга боришим керак. Мана, олинг, — Доңиёр занжирини уларга бериб, оқсига қўрилиб кета бошлади.

— Ўв, тўхта! Бунақаси кетмайди. Одамгарчиликдан эмас бу. Майли ичмасанг, мана бунга олақол, — деб нов-ча Доңиёрнинг қўлига битта йилгитча беш сўмликни қис-тирди.

— Йўқ, керак эмас, — деди пўлни қайтариб.

Йилгитлар уни қистовга солишди, лекин Доңиёр пўлни олишдан бош тортиди.

— Унда юр, бирга музқаймоқ еймиз, — деб қолди новча.

Доңиёр булардан қутулишни ўйлаб рози бўлди. Бирга музқаймоқ олиб ешди. Йилгитларнинг саволга жавоб берадими, лекин ҳаёли ўнда эмасди. Ниҳоят улар До-ңиёрни қўлиб юборишди...

Доңиёр воқеани айтиб бўлгач, ойисига тикилди. Ойи-си ўзиндан туриб, унинг сўзини силди...

— Ишқилиб ўзинг омон қолбсан болам, Бундан кейин эҳтиёт бўл, ёмонлар кўп! — деб пичирлади.

Доңиёр яна бошини ҳам қилди. Ёмонлар... Ёмонлар... Қардан келадди ўша ёмонлар? Нега бунча қўпаймав, ахир?... Ким сабаб?

Доңиёр уятдан юзлари ловуллаш бошларини, сездан. Қўлоқларига қандайдир таҳдидли овоз эшитиларди:

— Сен, сен, сенга ўхшайдиганлар сабаб... Виждон ово-зига қулоқ солмаганлар сабаб...

Муҳабб МУХТОРОВА.

Қизиқш ортмоқда

Эълонлар тахтаси олдидан ку-ни билан одам армади. Янгида қоридорда кете туриб идора бошлиғи Будаёв Владимир Григорьевич рў-пара келиб қолди. Одатдаги-

дек рус тилида савом бердим-У, уйлиб қолдим. — Ассалому алайкум, — дея самимий қарш олди у, — энди биз ҳам ўзбек тилини ўнча-бунча биланам, машулот-

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10